

“Ўзбеккўмир” АЖ: 2022 йил якунига кўра истеъмолчиларга 4,9 млн. тонна маҳаллий кўмир етказиб берилади

“Ўзбеккўмир” АЖ томонидан 2022 йилнинг январь-сентябрь ойларида 13,5 млн. куб метр ҳажсимида кон устини очиши ишлари амалга оширилиб, 3,7 млн. тонна кўмир қазиб чиқарилди ёки прогнозга нисбатан кўмир қазиши 9 ойлик режаси 100,4 фоиз бажарилди. Истеъмолчиларга етказиб берилган берилган ёқилги ҳажсми 3,8 млн. тоннани ташкил этди.

Жорий йилнинг 2 ноябрь куни Ўзбекистон миллий матбуот марказида “Ўзбеккўмир” АЖ ва “Кўмир таъминот” МЧЖ мутасаддилари иштироқида “Ўзбеккўмир” АЖда 2022 йилнинг 9 ойлик иш фаолияти якунлари ва республика аҳолисини 2022/2023 йиллар куз-қиши мавсуми учун кўмир маҳсулоти билан таъминлаш жараёнларининг бориши” мавзусига бағишлиб ўтказилган матбуот анжуманида шу ҳақида маълумотлар берилади.

“Ўзбеккўмир” АЖда ҳисобот даврида ишлаб чиқариш амалдаги нархларда 859,3 млрд. сўмга бажарилиб, режага нисбатан 99,9 фоизни, таққослама нархларда 682,5 млрд сўмни ташкил қилди. Маҳсулот сотишдан соф тушум 887,5 млрд. сўмга тенг бўлиб, режа 113,2 фоизга бажарилди ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 100,9 фоиз ўсиш суръатига эришилди.

Жамиятда маҳаллийлаштириш дастури доирасида муайян ишлар олиб борилмоқда. Январь-сентябрь ойларида тоғ-кон ускуналарининг 5,2 млрд. сўмлик эҳтиёт қисмлари ва ер ости ускуналари ўзлаштирилди. Бу режага нисбатан 105,2 фоиз тенг бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 105,2 фоизни ташкил қилди.

Жамиятда январь-сентябрь ойлари якунларига кўра, дебитор қарздорлиги 390,3 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 231,9 фоизни ташкил қилди. Ўз навбатида кредиторлик қарздорлиги ҳам сақланиб, бу рақам 325,2 млрд. сўм ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 101,6 фоизга тенг бўлди.

Жамият тасарруфида 11 корхона мавжуд бўлиб, ходимлар сони 5 974,0 кишига етди ва бу йил бошига нисбатан 101,2 фоизни, бир ишчига тўланадиган ўртacha ойлик иш ҳақи 3 919,2 минг сўмни ташкил қилди. Бу борадаги режага 107,5 фоизга бажарилди ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 105,7 фоиз ташкил қилди.

Жамиятда 2022 йилнинг якунига қадар кўмир қазиб чиқаришни 4,8 млн. тонна ёки прогнозга нисбатан 100,0 фоизга бажариш, истеъмолчиларга эса 4,9 млн. тонна кўмир етказиб бериш (прогнозга нисбатан 108,8 фоиз) кутилмоқда.

Январь-сентябрь ойларида жамият томонидан етказиб берилган 3,8 млн. тонна кўмирнинг 2 873,2 тоннаси иқтисодиёт тармоқлари, 536,7 минг тоннаси бюджет ташкилотлари, 243,4 минг тоннаси аҳоли истеъмолчилари улушкига тўғри келди. Тўққиз ой давомида, шунингдек, биржа савдолари орқали 161,5 минг тонна маҳсулот сотилди.

Республика бюджет ташкилотларига етказиб берилган 518 минг тонна маҳаллий кўмир тизимлар кесимида қўйидагича бўлди:

- Халқ таълими вазирлиги – 290 минг 200 тонна;
- Мактабгача таълим вазирлиги – 110 минг 300 тонна;
- Соғликни сақлаш вазирлиги – 78 минг 900 тонна;
- Маданият вазирлиги – 8 минг 200 тонна;
- Спортни ривожлантириш вазирлиги – 3 минг 700 тонна;
- Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги - 26 минг 700 тонна.

Жорий 2022-2023 йиллар куз-қиши мавсумида республика аҳолисига 882 минг тонна маҳаллий кўмир ёқилғиси етказиб берилади.

Аҳоли эҳтиёжлари учун маҳаллий кўмир етказиб бериш жорий йилнинг 15 сентябрдан бошланиб, 31 декабрда тугаллаш режалаштирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 23 сентябрдаги “Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа обьектлари ва кўп квартирали уй-жой фондини 2022/2023 йиллар куз-қиши даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида айни кунларда аҳоли истеъмолчиларини кўмир билан таъминлаш тадбирлари жадал олиб борилмоқда.

“Кўмир таъминот” МЧЖга қарашли 89 та худудий кўмир омбори ва 12 та шаҳобча мавсумга тайёрланган. Аҳолига мўлжалланган маҳаллий кўмир ана шу омбор ва шаҳобчаларлар орқали, худудий МФЙлар томонидан берилган ва маҳаллий ҳокимликлар тасдиқлаган жадвал асосида тарқатилмоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадини кўзлаб, маҳаллий кўмир нархи ўзгаришсиз қолдирилди, яъни 1 тонна маҳаллий кўмир нархи – 300 300 сўмни ташкил этади. Маҳсулот 2-БЗР маркали бўлиб, фракцияси 0-300 мм дан 0-500 мм гача яхшиланди.

Аҳолига сифатли хизмат қўрсатиш ва қулайлик яратиш мақсадида “Кўмир таъминот” МЧЖ томонидан 43 та “ISUSU” 11 та “MAN” русумли юк машиналари ҳамда 62 та автоюклагич жалб этилган.

Матбуот анжуманида “Ўзбеккўмир” АЖ ва “Кўмир таъминот” МЧЖ мутасаддилари томонидан мавзу бўйича журналист ва блогерларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилади.

“Ўзбеккўмир” АЖ матбуот хизмати

Н.Душаев

+99 893 380 72 62